

Марказий Осиё мамлакатлари модернизациялашувининг, ижтимоий-сиёсий муносабатлар фаоллашувига таъсири

Ҳамида Абдумажидова
Фотимабону Камариддиновна Камариддинзода
СамДТУ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий алоқалари ижтимоий-фалсафий таҳлил қилинганд. Марказий Осиёдаги хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи шароит ва омиллар кўрсатиб ўтилган. Мақолада жамият ижтимоий-сиёсий тизимида содир бўладиган барча жараёнлар мутаносиб равишда ишлиши, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаолияти самарали кечиши, уларнинг фаоллашувига таъсир этувчи омиллар таъсир кўрсатиши, Марказий Осиё ўзининг бой табиий ресурслари, стратегик жойлашуви, иқтисодий транспорт, логистика масалалари муҳимлигини, Ўзбекистоннинг очиқ ва прагматик сиёсати туфайли минтақавий алоқалар тиклангани, чегаралар очилиши, ҳаво, автобус, темир йўл йўналишлари қайта тиклагани, янги йўналишлар билан бойитилгани, фуқаролар ўртасидаги борди-келди муносабатлари йўлга қўйилгани, бу иқтисодий, савдо алоқаларининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатгани таҳлил қилинганд. Марказий Осиёдаги интегратив жараёнлар ўзаро боғлиқлик, алоқадорлик ва ривожланиш жараёнидан иборат бўлган яхлит жараён сифатида ижтимоий-фалсафий таҳлил қилинганд.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, модернизация, интегратив жараёнлар, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий алоқалар, хавфсизлик, барқарорлик, аҳил қўшничилик муносабатлари, унга таъсир кўрсатувчи шароит ва омиллар

The influence of the modernization of Central Asian countries on the activation of social and political relations

Hamida Abdumajidova
Fatimabonu Kamariddinovna Kamariddinzoda
SamSMU

Abstract: The economic, socio-political, spiritual-ideological relations of Uzbekistan with the countries of Central Asia are analyzed socio-philosophically in the

article. Conditions and factors affecting the formation of security, stability and harmonious neighborhood environment in Central Asia are shown. In the article, all the processes that take place in the socio-political system of the society work proportionately, people's activities in the socio-political processes are effective, the factors affecting their activation have an effect, the importance of Central Asia's rich natural resources, strategic location, economic transport, logistics issues, Uzbekistan's open and due to its pragmatic policy, regional relations have been restored, borders have been opened, air, bus, and railway routes have been restored, with new routes it was analyzed that it was enriched, that relations between citizens were established, and that this had an effect on the development of economic and trade relations. Integrative processes in Central Asia are socio-philosophically analyzed as a holistic process consisting of interdependence, connection and development process.

Keywords: Central Asia, modernization, integrative processes, economic, socio-political, spiritual-ideological relations, security, stability, friendly neighborly relations, conditions and factors affecting it

Кириш. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан минтақалараро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масаласи бугунги кунда ташқи сиёsatдаги муҳим масаладир. Ўзбекистонда ҳозирги даврда Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёsat соҳасидаги энг муҳим устувор йўналишлар-давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳукуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофига хавфсизлик, барқарорлик ва ахил қўшничилик муҳитини шакллантиришдан иборатdir. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳукуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳукуқий асосларини такомиллаштириш, давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш¹ каби масалалар ҳам бугунги кундаги долзарб масалалардир.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёsatida барқарор, адолатли ва демократик давлат қуришга, мамлакатнинг ташқи ошкоралигини илгари суришга ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти Фармони. Тошкент, Адолат”, 2018 йил, 27-28 бетлар.

регионал ва кўп томонлама ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам бугунги қунда катта эътибор қаратилмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Хозирги даврда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир бир қатор тегишли дастурий хужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган, “йўл ҳариталари” тасдиқланган. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ва Марказий Осиё давлат раҳбарларининг олий ва юқори даражалардаги ташрифлари давомида мамлакатларнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган фаол, очик, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсатни олиб бориш масаласига эътибор кучайтирилмоқда.

Тадқиқот методологияси ва эмпирик таҳлил

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, амалий ҳамкорликка тайёрлик ва унга астойдил интилиш, шунингдек, барча Марказий Осиё мамлакатларининг умумий келажак учун масъулиятни ҳис этиши минтақанинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигининг мустаҳкам пойдевори ва кафолатидир, - дейди Президент Шавкат Мирзиёев, - Ўзбекистон баҳсли масалаларни тезроқ ҳал қилиш ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлаш тарафдоридир. Давлатларимиз айнан яхши қўшничилик ва ўзаро манбаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида савдо-иктисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, ҳавфсизлик ва барқарорлик масалаларида ўз салоҳиятини янада самарали амалга ошира олади².

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ташаббуслари бутун Марказий Осиё учун янги имкониятларни яратмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар учун мавжуд муаммоларни биргалиқда ҳал қилиш ғоясидан иборат кун тартибини илгари сурмоқда. Ўзбекистон бугунги қунда Марказий Осиёдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, мафкуравий жараёнларни барқарорлаштирувчи давлат сифатида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Хозирги пайтда Марказий Осиёда давлатлараро муносабатларнинг янги тизими шаклланиб, Ўзбекистон ушбу тизимда турли хил йўналишлар бўйича юқори фаолликни намоён қилмоқда. Натижада минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда сезиларли соғломлашиш белгилари яққол кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон Афғонистон билан икки томонлама алоқаларни сезиларли даражада кенгайтирди, афғон муаммосини ҳал қилиш бўйича кўп томонлама ҳаракатларга фаол қўшилди. Ўзбекистон Сурхон-Пули-Хумри электр узатиш линияси ва “Термиз-Мозори-Шариф- Пешовар” темир йўл қурилиши

² Мирзиёев Ш.М. Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2018 йил, 265 бет.

йирик лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда³. Термизда Афғонистон фуқаролари учун Таълим маркази очилиб, ҳозирги даврда афғонистонлик талабалар ушбу Таълим марказини битириб, улардан айримлари Афғонистон парламентида, вазирликлари ва муассасаларида ишламоқда, мамлакат олий таълим муассасаларида муаллимлик қилмоқда, мустақил бизнесни юритмоқда.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан товар айирбошлиш ҳажми сўнгги йилларда 2 баробар, қўшма корхоналар сони 4 марта ўсди. Мамлакатларимиз Марказий Осиёда радиация хавфсизлигини таъминлаш, “Барқарор ривожланиш учун сув” ҳаракатлари, Энергетик хартиянинг Ашхобод декларацияси каби халқаро ҳужжатларни имзоладилар.

Бизнинг минтақадаги ўзаро яқинлашувимиз ва ҳамкорликни кенгайтиришимиз-бу замон талаб қилаётган ва орқага қайтмайдиган жараён эканини таъкидламоқчиман, - дейди Президент Шавкат Мирзиёев, - У қатъий сиёсий танловга асосланган бўлиб, чукур тарихий омилларга эга ва кимнингдир манфаатларига қарши қаратилган эмас. Бу борада, бирлик ва жипсликни мустаҳкамлаган ҳолда, биз изчил ва барқарор ривожланиб бораётган минтақамизнинг, демакки, истиқболли ва ишончли халқаро шерикнинг шаклланишига ҳисса қўшмоқдамиз⁴.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёsat соҳасидаги муҳим устувор йўналиши дунёнинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлари билан стратегик шериклик ҳамда ҳамкорликнинг мувозанатланган тизимини шакллантиришдан иборат бўлиб, бундай ёндашув иқтисодиётни модернизациялаш, барқарорлик ва хавфсизликни қўллаб-кувватлаш, Марказий Осиёда ҳамкорлик учун қулай шартшароитларни яратиш вазифаларининг самарали ҳал қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Марказий Осиёда муҳим давлат ҳисобланади ва алоҳида роль ўйнайди. Мамлакатнинг региондаги муҳим аҳамияти хорижий эксперт ва сиёсий доиралар вакиллари томонидан ҳам эътироф қилиб келинмоқда. Ўзбекистон минтақадаги барча қўшни давлатлар билан стратегик ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузган бўлиб, бу юқори даражада регионал сиёsat тузиш имконини беради. Ушбу мақсадларда амалга оширилаётган ишлар мамлакатнинг халқаро муносабатлар тизимидағи ўрни ва ролини мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг ташаббуслари Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг манфаатларини ҳисобга олади ва консенсус тамойилига асосланади. Тошкентнинг фаол, ташаббускор ва конструктив дипломатияси туфайли шаклланган минтақадаги янги сиёсий реаллик Марказий Осиё мамлакатлари

³ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси Тошкент, Ўзбекистон, 2022 йил 430 бет

⁴ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. 4-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2020 йил, 271 бет.

ўртасида кенг доирали масалалар бўйича ўзаро ҳаракатларни кучайтиришга ижобий таъсир кўрсатмокда. Тошкентда 2019 йил ноябрда Марказий Осиё давлатлари ўртасида вужудга келадиган масалалар ечимини муҳокамадан ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди. Марказий Осиё давлат раҳбарларининг консультатив учрашувларини ўтказиш минтақада янги халқаро ташкилот ёки ўз уставига эга ва давлат органларидан юқори турувчи бирон-бир интеграцион тузилма ташкил этилишини назарда тутмайди. Ушбу фаолият фақат регионал ривожланишнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро келишиб олишни кўзда тутади.

Ўзбекистоннинг минтақа бўйича йўналиши фаоллашуви регионал яқинлашиш, ишонч ва ўзаро тушунишни тиклаш, шунингдек, йиғилиб қолган масалаларни оқилона муросаларга келиш асосида оператив ҳал қилиш юзасидан аллақачон этилган талабга ўз вақтида ва амалий жавоб бўлди. Олий даражада ўрнатилган очик ва ишончли мулоқот барча ҳамкорлик йўналишларини кучайтириш учун мустаҳкам асос яратди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан олий ва юқори даражалардаги сиёсий мулоқотлар сезиларли даражада фаоллашди, парламентлараро, муассасалараро ва ҳудудлараро алоқалар кучайтирилди. Ўз навбатида, қайд этилган даврда регионнинг барча давлат раҳбарлари Ўзбекистонга ташриф буюрдилар. Таҳлил маълумотларига кўра, ушбу учрашувлар якунлари ўз самарадорлиги бўйича мисли кўрилмаган натижалар берган. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги барча давлатлар билан экстремистик ва террористик тузилмалар фаолиятига қарши биргаликда курашиш бўйича ўзаро келишувга эришди. 2018 йил июлдан сентябргacha Ўзбекистон Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан қўшма антитеррористик машғулотларни ўтказган бўлса, 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Қирғизистон ва Тожикистон билан тегишли комплекс чора-тадбирлар режаларини имзолади. Ўзбекистоннинг Қирғизистон ва Тожикистон билан давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалалари соҳасидаги ишлари анча илгари сурилди. Буларнинг барчаси Марказий Осиёда жойлашган давлатлар ўртасидаги даъволи масалаларни нафақат икки томонлама ҳал этиш, балки бутун регионнинг кун тартибидан ўткир низоли масалаларни олиб ташлаш ва сиёсий ишонч даражасини ошириш имкониятини вужудга келтирди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан сиёсий соҳадаги ўзаро ҳамкорлиги фаоллашуви билан бир қаторда савдо-иктисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва маданий-инсонпарварлик соҳаларидаги ўзаро манфаатли муносабат ва алоқалари ҳам бир мунча кучайди.

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иктисодий муносабатларнинг яхшиланиши минтақанинг инвестициявий жозибадорлигини

оширишга ёрдам бериб, 2017 йил бошидан то ҳозирги вақтгача Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ўртасида 300 тадан кўпроқ шартнома, шунингдек тахминан 75 млрд. доллар суммада шартномалар ва битимлар имзоланди.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида экологик, жумладан, сув-энергетикага боғлиқ масалаларни ҳал қилиш соҳасида олдинга силжишлар кузатилмоқда. Ўзбекистон Қамбар-Ота ва Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаларида ўз иштироки имкониятларини кўриб чиқишига тайёр эканлигини билдириди. “Ўзбекистон – Туркманистон- Эрон- Ўмон” транспорт йўлагининг муҳим участкасини амалга оширишга старт берилди, Амударё орқали “Туркманобод - Фороб” темир йўл ва автомобиль кўприклари очилди. Уларнинг ишга туширилиши “Ўзбекистон- Туркманистон - Каспий денгизи- Жанубий Кавказ” йўналиши бўйича Боку-Тбилиси- Карс ҳамда Грузия, Туркия, Руминия ва бошқа давлатларнинг Қора дengиз портларига чиқиш йўллари билан оралиқ транспорт-коммуникация магистралини яратиш ғоясини амалга ошириш имконини берди.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида олиб борилган ўзаро музокаралардан сўнг Хитой ва Марказий Осиёни Қирғизистон орқали боғловчи темир йўл қурилиши бўйича жиддий ривожланишга эришилди. Дастраси баҳоларга кўра, ушбу лойиҳа амалга оширилганида юкларни етказиб бериш муддатлари 7-8 суткага қисқаради, Шарқий Осиёдан Яқин Шарқ ва Жанубий Европа мамлакатларига йўл масофаси 900 км.га қисқаради.

Натижа

Ҳозирги даврда Марказий Осиё давлатлари ўртасида маданий-инсонпарварлик соҳасида яқиндан ҳамкорликни, дўстона ва яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Марказий Осиё-ягона ўтмиш, умумий келажак” шиори остида маданий-гуманитар алмашув платформасининг яратилиши барча халқларимиз манфаатларига жавоб беради, деб ўйлайман,-дейди Президент Шавкат Мирзиёев, - Сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз билан илм-фан, маданият ва санъат соҳаларида эришган салмоқли ютуқлари учун Марказий Осиё мукофотини таъсис этиш, шунингдек, университетлар форумлари ва минтақавий спорт ўйинларини ташкил этиш таклиф қилинмоқда⁵.

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш нафақат минтақа мамлакатлари манфаатларига жавоб беради, балки унинг қўшни регионлардаги хавфсизликка таъсири нуқтаи назаридан бутун Евросиё қитъасининг барқарор ривожланишига ҳам кўмаклашади.

Хулоса

⁵ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. 4-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2020 йил, 272 бет.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Сенати ва Конунчилик палатасига Мурожаатномаси Ўзбекистоннинг яқин давр ичидаги ривожланиш устувор йўналишларини яна бир марта белгилаб берди, бунда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги туб ислоҳотлар билан бир қаторда фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш ҳам назарда тутилган. Янгиланган Ўзбекистон Марказий Осиёда жойлашган давлатларга ўзининг ўзаро фойдали ҳамкорликка тайёрлигини, миллий манфаатларга жавоб берадиган, очик, прагматик ва чукур ўйланган ташқи сиёсат олиб боришини амалий ишлар билан кўрсатиб келмоқда. Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни мазмун ва сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш бугунги кунда Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги энг муҳим масалалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти Фармони. Тошкент, Адолат, 2018 йил.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2017 йил.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2019 йил.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари. 4-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2020 йил.
6. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси Тошкент, Ўзбекистон, 2022 йил
7. Кўчаров Ч.Ш. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. - Тошкент, Фан, 2008 йил.
8. Махмудова, А. Н. (2020). Правовая социализация молодого поколения в правовом государстве. дистанционные возможности и достижения науки, 97.
9. Махмудова, А. Н. (2020). Шахс хуқуқий ижтимоийлашувидаги ижтимоий назорат тушунчаси ва тизими. международный журнал Консенсус, 1(1).
10. Умриллоев, Л. Ғ. Ў., & Махмудова, А. Н. (2022). Глобаллашув шароитида ёшларимизнинг маънавиятига таъсир этувчи омиллар, уларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг зарурийлиги. Science and Education, 3(7), 270-279.
11. Махмудова, А. Н. ШАХСНИ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВИ НАЗОРАТИДА ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ. FALSAFA VA NAYOT

**XALQARO JURNAL ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
PHILOSOPHY AND LIFE, 71.**

12. O'tayev, S. T., & Mahmudova, A. N. (2023). O'zbekiston Respublikasining sog'liqni saqlash tizimida hozirgi kunda neyroxirurgiya yutuqlari. Science and Education, 4(2), 190-194.
13. Nugmanovna, M. A. (2022). Bioethics as a form of protection of individuality and personalized medicine. Thematics Journal of Social Sciences, 8(4).
14. Nugmanovna, M. A. (2022). LEGAL-REGULATORY SYSTEM IN CIVIL SOCIETY CONTROL OF THE PROCESS OF LEGAL SOCIALIZATION OF INDIVIDUALS. PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL, (SI-1).
15. Nugmanovna, M. A. (2022). ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТДА ХУҚУКИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ. PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL, (SI-1).
16. Мухамедова, З. М. (2022). ЭТИЧЕСКАЯ СТРАТЕГИЯ ЗАКОНОТВОРЧЕСТВА В ОБЛАСТИ БИОЭТИКИ И ПРАВ ЧЕЛОВЕКА. Academic research in educational sciences, (1), 28-32.
17. Hamida, A. (2020, December). Philosophical and methodological issues of the paradigmal approach to the concept of modernizatiON. In Archive of Conferences (Vol. 10, No. 1, pp. 15-18).
18. ABDUMAJIDOVA, H., & MIR-JA'FAROV, S. J. YOQUT HAMAVIY ASARLARIDA NASAF ALLOMALARINING ZIKRI. ИНТЕРНАУКА Учредители: Общество с ограниченной ответственностью" Интернаука, 18-20.
19. Hamida, A. (2022). IMPACT OF MODERNIZATION OF THE CENTRAL ASIAN COUNTRIES ON THE ACTIVITY OF SOCIO-POLITICAL RELATIONS. PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL, (SI-2).
20. Nugmanovna, M. A. Legal socialization and individual deviant rights: relationships. falsafa va hayot xalqaro jurnal, 49.
21. Nugmanovna, M. A. (2024). Ethical Problems Of New Reproductive Technologies. Miasto Przyszłości, 9-12.
22. Madinabonu, S., & Nugmanovna, M. A. (2024). THE ROLE OF LEGAL CULTURE IN THE FORMATION OF THE YOUNGER GENERATION IN THE EDUCATION SYSTEM. Journal of Modern Educational Achievements, 5(5), 213-219.
23. Shuhrat o'g'li, R. A., Obidjon o'g'li, B. O., & Hamida, A. (2024). Interrelationship of Civilization, Development, Modernization Processes. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 4(5), 264-269.

24. Nugmanovna, M. A., Zukhrabonu, K., & Madinabonu, S. (2024). The Role of Legal Culture in the Education System. Research Journal of Trauma and Disability Studies, 3(2), 368-372.
25. Khamida, A. (2022). ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР ФАОЛЛАШУВИГА ТАЪСИРИ. PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL, (SI-1).
26. Nugmanovna, M. A., & Kamariddinovna, K. Z. (2023). LEGAL SOCIALIZATION OF THE INDIVIDUAL AND LEGAL CULTURE IN MODERN CIVIL SOCIETY. " GERMANY" MODERN SCIENTIFIC RESEARCH: ACHIEVEMENTS, INNOVATIONS AND DEVELOPMENT PROSPECTS, 9(1).
27. Абдумажида, X., Мухторов, А., & Зиёдуллаева, М. (2023). МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТДАГИ УСТУВОРЛИГИ. Инновационные исследования в современном мире: теория и практика, 2(2), 32-38.
28. Мухамедова, З. М. (2017). Актуальные проблемы этики в стоматологическом образовании. Гуманитарный трактат, (14), 20-23.
29. Мухамедова, З. М. (2017). Этические категории в клинической стоматологии. Гуманитарный трактат, (15), 22-25.
30. Мухамедова, З. М. (2022). ИССЛЕДОВАНИЕ КЛЮЧЕВЫХ ПРОБЛЕМ БИОЭТИКИ ИСЛАМЕ: СОВРЕМЕННОСТЬ. Academic research in educational sciences, (1), 114-119.
31. Мухамедова, З. М. (2018). Противодействие коррупции в сфере медицины. Юридический факт, (26), 94-97.
32. Мухамедова, З. М. (2023). ПРОГРЕСС БИОТЕХНОЛОГИЙ КОНТЕКСТЕ ФИЛОСОФСКОПРАВОВОГО ОСМЫСЛЕНИЯ. Academic research in educational sciences, 4(7), 64-72.